

616
А-139

Р.А. АБДУЛАЕВ

01/18828/1

ФРЕВМАТИЗМ КАСАЛАНГИ ИА УНДАН САКЛАНИШ ЙУЛЛАРӢ



ЎЗБЕКИСТОН ССР
«БИЛИМ» ЖАМИЯТИ

Р. А. АБДУЛАЕВ

Медицина фанлари доктори,
профессор


616

А-139

РЕВМАТИЗМ КАСАЛЛИГИ
ВА УНДАН
САҚЛАШИШ ЙҮЛЛАРИ

бф 18828

№ 18



Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг
Бирлашган нашриёти
Тошкент — 1966

Ревматизм инсоният соғлиғи, хусусаи ёш авлодларимиздинг саломатлиги учун жуда хавфли касалліктердән бирпидир. Ушбу китобчада худди ана шу касаллік, унинг сабаблари, рўй берниши, оқибати ва айниқса юракка етказадиган таъсири тўғрисида боради. Автор ревматизм касалліги ҳақидаги мулоҳазаларини баён этишда медицина фанининг энг сўнгти ютуқларига ва шахсий тажрибаларига асосланади ҳамда бу касалликдан сақланиш, унинг олдини олиш тадбир-чораларини оммабоп тарзда муфасал ёритади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур китобча ҳурматли китобхонларга қаламга олинган тема бўйича қисқача маълумот бера олади.

1965 йилнинг куз ойлари кунларидан бирида кеч пайтида уйга кимдиř телефон қилиб, аввало бевақт безовта қылгани учун узр сўради-да, сунгра ҳаяжон билан: «Кўз очиб кўрган фарзаидим оғир касал бўлиб қолди, курган врачлар сизга мурожаат қилишимни маслаҳат беришди»,— деди.

Эртаси куни беморни клиникага жойлаштиридик. Таққослаб суриштирасак, касаллик тарихи қўйидагича экан:

Хастанинг исми Несъматжон, 16 ёшда. Унда бундан 2–3 йил муқаддам томсқ оғриги (ангина) пайдо бўлгани. Бу касаллик бола сал шамолласа, совуқ сув ёки мороженое истеъмол қилса, тез-тез такрорланиб турадиган бўлиб қолган. Баъзан тирсак бўғимлари ва оёқ гўштларида ҳам оғриқ пайдо бўлиб туар экан. Бундан ташқари, беморнинг 4 дона «қурт еган» тиши ҳам вақт-бевақт оғриб, уни безовта қилиб туар экан. Аммо боланинг бу аҳволига унинг ўзи ҳам, ота-онаси ҳам эътибор бермас, врачга мурожаат қилиб, даволаш ҳақида маслаҳат олмас эканлар.

Несъматжон касал бўлмасдан 10 кун илгари синфдошлари билан биргаликда шаҳар атрофидаги колхозга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиширишга ёрдамга чиқади. У ерда яна томоги оғрийди-да, ҳарорати кутарилади. Бироқ бу сафар ҳам унинг аҳволига на ўзи ва на синф раҳбари эътибор беради. Бола ҳамма қатори йиғим-теримда иштирок этаверади. Орадан 5–6 кун ўтгач, унинг оёқ ва қўл бўғимларида қаттиқ оғриқ пайдо бўлади, улар қизариб ва шишиб, болани ўрнидан туролмайдиган қилиб қўяди. Юрагида ҳам оғриқ рўй

бериб, у тез-тез типирлаб ура бошлайди. Шундан сұнгина болани шаҳарга жүннатадилар. Врач Нұсьматжонда ревматизм касаллиги борлыгини аниқлаб, унга заурур маслағат ва дори-дармонлар ёзіб беради, бироқ беморни клиникада даволаш зарурлигини таъкидлайди. Унинг отаси ана шундан сұнгина менга телефон қоққан экан.

Клиникада үтказилган муфассал текширишлар Нұсьматжонда ҳақиқатан ҳам ревматизм касаллиги күндан бери давом этіб келаётганини, ҳозир әса бу касаллик қайта тақрорланғанынни, бунинг иккінчи «ұжуми» патижасида беморниң юраги шикастланиб, унда порок юз берғанынни курсатди.

Келтирилган бу мисол ота-оналар ва мактабларнинг үқитувчилари мактаб ёшидаги болаларга, уларда учрайдиган тиши, томоқ ёки қулоқ оғриқлари ва туомов-пучавларга үз вактида жиддий зәтибор беришларини талаб қылади.

Биз суҳбатимизни ушбу мисолдан бошлашимиздан мақсад сиз, ҳурматли китобхонларга ревматизмнинг оғир касалліклардан бири булиб, күпинча «арзимаган» темоқ оғриги билан бошланишини, доимо юракни шикастлантиришини, у, асосан, мактаб ёшидаги үстепирилларда учраб, уларнинг қувноқ турмуши ва юксек орзу-ҳавасларини пучга чиқаришини, әшлиқдана тоқ инвалид қилиб, ҳатто умрини бевақт хазон қилишини эслатиб үтиш әди.

Бу үринде шуни алоқида таъкидлаб үтиш керакки, ҳақиқатан ҳам ахоли орасида күп тарқалған ревматизм касаллиги баъзын юқумли касалліклар сингари тезда рўй бермайди, у кишининг организмига оқистагина киради-да, унинг соғлиғига аста-секин болта уриб, юрагини порокка олиб келади ва инвалид қилиб қўяди.

Ревматизм соҳасида ишловчи Европа мутахассисларининг 1955 йилда Голландияда үтказилған конгресси материалларига қараганда, бу касаллік барча ички касаллікларга, асаб системалари ва сил касаллігига нисбатан 8,4 процентни ташкил этади. АҚШ президенти Жонсон узининг 1965 йил 7 январда Америка Конгрессига йўллаган маҳсус мактубида АҚШда соғлиқни сақлаш ишлари оғир аҳволда эканлигини қайд қилиб, ҳозир мазкур мамлакатда 12 миллион киши ревматизм билан хасталанғанынни таъкидлайди.

Г. Ф. Константиновнинг маълумотига қараганда, Совет Иттифоқининг шаҳар аҳолиси (кatta ёшдагилар) орасида ҳам ревматизм касаллиги билан оғригандар анчагина бор. Совет медицинасининг машҳур олимларидан бири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Нестеровнинг 1960 йилда мактаб ёшидаги болалар орасида ўтказган таққослаб текшириши натижалари ревматизм болалар орасида ҳам мавжуд эканлигидан далолат беради.

Гарчи Ўзбекистонда ревматизм касаллиги қанчалик тарқалгани ҳақида ишончга сазовор ҳеч қандай рақам бўлмаса-да, бироқ бу касалликни республиканизм аҳолиси орасида ҳам учратиш мумкин.

Баъзи кишилар, ревматизм об-ҳавоси паст, совуқ ва зах бўлган шимолий мамлакатларнинг халқлари ўртасида кўпроқ учрайди, деган фикрни айтадилар. Бундай фикрни бутунлай тўғри фикр деб бўлмайди. Чунки, биринчидан, инсонлик хусусиятларидан бири шуки, ҳар бир киши ўзи яшайдиган мамлакат шароитига иқлимига тезда мослашиб олади, унга қараб турмуш шароитини мослаштиради, агар совуқ иқлим бўлса, иссиқ кийим кияди, турар жойини иссиқ тутади, кўпроқ ёғли таомлар истеъмол қиласди ва ҳоказо. Иккинчидан, ревматизм рўй бериши учун қулай шароит туғдирувчи зах, керагича ёруглик бўлмаган хоналарда яшаш ва ишлаш ёки шамоллаш барча халқлар орасида, ҳар бир мамлакат аҳолиси ўртасида учраши мумкин Қолаверса, гарчи бизнинг республикамиз ҳам иссиқ мамлакатлар қаторига кирса-да, бироқ унинг иқлимининг тез-тез ўзгариб туриши, баъзан кундузги ҳарорат билан тундаги ҳарорат орасида катта фарқ рўй бериши шамоллгаш ва гумов-пучав касалликларининг, шу жумладан ревматизмнинг ҳам тарқалишига қулай шароитdir.

Демак, ревматизм ҳар бир мамлакатда, қитъада ва иқлимда яшовчи халқлар, аҳолилар орасида учраши мумкин.

Такрор айтамизки, ревматизм хусусан ёш болалар ва ўспириналар орасида кўпроқ тарқалган, уларни ёшлидикданоқ ишдан чиқариб қўювчи касалликдир.

Шунинг учун бу касаллик ҳозир халқ соғлигини сақлаш соҳасида энг муҳим социал проблемалардан бири булиб қолмоқда. Ревматизмга қарши кураш,

унинг олдини олиш ва тарқалишига йўл қўймаслик учун Совет Иттифоқида давлат йўли билан жуда катта тадбирий чоралар курилмоқда.

* * *

Биз ревматизм ҳакида сўз юритар эканмиз, аввало «Ревматизм» деган сўзниң маъносини аниқлаб олишимиз керак.

Маълумки, «Ревматизм» сўзи юони тилидан олинган бўлиб, бу тилда «ревма» сўзи «оқиш» маъносида қулланган, у касалликнинг бадан аъзолари, қўл-оёқлар бўйлаб оқиб юриши тушунчасини англатган. Халқлар орасида кенг тарқалган: «қўл-оёқ суюкларимда сув оқиб юргандай сезаман».— деган шикоятлар ҳам худди шундан келиб чиқкан.

Буюк юони олими Галенning тушунчасига кўра, «касаллик «шарбат» сувлари миядан оқиб, бутун организмга қўйилган пайтда рўй беради». Бундай ҳолни у ревматизм деб атайди.

Илгари замонларда касалликни текшириш ва аниқлаш учун мураккаб услуб-ускуналар бўлмаган; касалликни текшириш ва аниқлаш фақат тажриба ҳамда узоқ кузатиш усуллари билан олиб борилган.

Дарҳакиқат ревматизм баъзан бурундан сув оқиш, тумовдан сўнг бошланади. Афтидан, Гален бурундан (тумов вақтида) оққан сувни бутун аъзоларга, организмга тарқалади, деб ўйлагангага ўхшайди. Аслида эса бундай бўлмайди. Ревматизм касаллиги даврида қўл-оёқ суюкларида ҳеч қандай «сув» оқиб юрмайди.

Фақат шуни айтиш керакки, илгари замонларда «ревматизм» сўзи бутун «бод» касалликларини ўз ичига олар эди. Сўнгги вақтларда медицина назарияси фанининг тараққиёти натижасида «ревматизм» сўзи сараланиб, унинг илгариги маъносидан «бод» касалликлари чиқариб юборилди. Ҳозир у анча тор, аммо ўзига хос тушунчага эга бўлиб қолди, унинг туб маъноси аниқланди.

Маълум бўлишича, киши организмининг, унинг ички аъзоларининг ҳар бир ҳужайрасини ўраб, қоплаб ва тираб олган биритирувчи тўқима (соединительная ткань) мавжуддир.

Медицина фанининг буюк назариётчиларидан бири А. А. Богомолецнинг айтишича, биритирувчи тўқима ва

унинг асосий моддаси организмда физик ва кимёвий ўзгаришларни маълум меъёрда тутиб туриш ҳамда модда алмашинувида алоҳида ўрин олади.

Демак, биритириувчи тўқима фақат ҳужайраларни ўраб ва тираб турувчи хари ёки тўсин бўлибина қолмай, у ички муҳитнинг энг зарур, ички ва ташқи ҳаётдан чиқувчи ноқулай реакцияларга мураккаб равишда жавоб берувчи қурилма ҳамдир.

Тузилиш нуқтаи назаридан биритириувчи тўқима коллаген деб аталмиш толадан, асосий моддадан ва ҳужайра элементларидан иборатdir. Ревматизм касаллигининг рўй бериши ва вужудга келишида ана шу коллаген толаси билан асосий модда бош роль ўйнайди. Шу сабабли сўнгги йилларда ревматизмни коллаген касаллиги деб ҳам аталади. Коллаген организмининг бутун аъзо ва ҳужайраларида мавжуд.

Демак, ревматизм касаллиги организмда рўй берувчи локал (маълум бир жойга ҳос) касаллик бўлмай, у бутун организмининг касаллигидир. Бироқ ревматизм кўпинча юрак ва қон томирларининг биритириувчи тўқималарини шикастлантиради, доимо юракка чанг солади, уни тишлайди ва хасталайди.

Аммо юракни хасталовчи яна бир неча бошқа касалликлар ҳам бор. Гипертония ва атеросклероз касалликлари шулар жумласидандир. Бироқ гипертония ва атеросклероз касалликлари кўпинча инсон ҳаётининг иккичи ярмида, яъни киши 50—60 ёшдан ошгандан сўнг рўй беради. Ревматизм эса, аксинча, мактаб ёшидаги болаларда, ўспириналарда, оиланинг орзу-ҳаваси, бахт-саодати ва жамиятимизнинг келажаги, коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари бўлмиш ёш авлодимизда кўпроқ учрайди.


Ревматизмнинг сўнгги оқибати — юрак порогидир. Юрак пороги дейиш эса — кишининг инвалид бўлишидир.

Биз юрак пороги ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало юрак, унинг тузилиши ва асосий вазифалари тўғрисида қисқача тұхталиб ўтишимиз лозим.

Маълумки, юрак кишининг энг муҳим, зарур ва мураккаб аъзоларидан биридир. У уч қатламдан иборат бўлиб, биринчиси ички қатлам — эндокард деб аталади; иккинчиси қалин мускулдан иборат бўлиб, уни ўрта қатлам — миокард дейилади; учинчиси эса ташқи

қатлам бўлиб, уни эпикард деб айтилади (юрак тузилиши схемасига қаранг).

Бундан ташқари, юрак тўрт бўлим (камера)дан, яъни ўнг ҳамда чап юрак бўлмачалари (3, 6) ва ўнг ҳамда чап юрак қоринчалари (4, 7) дан иборатdir.



Юрак тузилиши схемаси

1— вена, 2—упка артерияси, 3— ўнг юрак бўлмачаси, 4— ўнг юрак қоринчаси, 5— ўпка веналари, 6— чап юрак бўлмачаси, 7— чап юрак қоринчаси, 8— клапандар, 9—аорта (шотомир), 10— эндокард, 11— миокард, 12— эпикард.

Схемадан кўриниб турибдики, юрак бўлмачалари ва қоринчалари мускуллардан иборат миокард билан (11) бир-биридан ажралиб туради. Агар схемага диққат билан назар ташланса, юрак бўлмачалари билан қоринчалари ўртасида тешикчалар, бу тешикчаларнинг ҳар қайсисида эса шохга ўхшаш маҳсус қопқоқ ёки клапанлар (8) борлиги ҳам пайқаб олинади. Янада чуқурроқ назар солинса, веноз қоннинг вена (1) орқали ўнг юрак бўлмачасига, у ердан ўнг юрак қоринчасига, бу ердан эса ўпка артерияси (2)га чиқиб кетиши, артериал қоннинг ўпка веналари (5) орқали чап юрак бўлмачасига, у ердан қоринчага, бу ердан эса шотомир — аорта (9)га чиқиб кетиши кўзга яққол ташланади. Бундан ташқари, юрак қоринчалари билан (4, 7) катта томирлар (1, 9) орасинда ҳам клапанлар мавжуд. Мазкур клапанларнинг вази-

фаси — қон юракнинг бир бўлимидан иккинчи бўлимига ёки катта томирларга қўйилган пайтда унинг орқага қайтиб оқмаслигини таъминлашдан иборат. Яна шуни ҳам айтиш керакки, юрак урган пайтда веноз қон ўнг қоринчадан ўпка артерияси (2) орқали ўпкага бориб қўйилади. Бу ерда тозаланиб, кислород моддаси билан бойнгач, ўпка веналари (5) орқали чап юрак бўлмачасига келиб тушади. Чап қоринчадан эса артериал қон аорта (9) орқали организмнинг барча аъзоларига тарқалиб, уларга керакли кислород, минерал ва бошқа озунга моддаларни олиб боради. Буларнинг ҳаммаси юракни кишига ҳаёт баҳш этувчи қайнар булоқ деб аташга асос беради.

Юрак организмнинг мотори ҳисобланади. Уни дарё бўйига ўрнатилган насос станцияси билан тенглаштирса ҳам бўлади. Дарҳақиқат, катталиги муштдай келадиган юрак мисли кўрилмаган, ақл бовар қўлмайдиган ва бениҳоя улуғ ишни бажаради. У ҳар урганда 60—70 грамм, бир суткада эса 7—9 тоннага яқин қонни томирларимизга ўtkазиб туради. Бу, юрак мавжуд қонни томирларга тарқатиб турувчи моторлигини асосли равишда тасдиқлади.

Юрак тузилиши мураккабдир. Унинг тузилишининг мураккаблиги шундаки, у ҳар урган пайтда қон фақат керакли томонга оқади, яъни веналардан юрак бўлмачаларига ва у ердан қоринчаларга, қоринчалардан эса артерияларга қараб оқиб туради.

Юрак ўзининг мураккаб юмушини нормал бажарини учун қон томирлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшади. Улар гоҳ торайиб, гоҳ кенгайиб, қоннинг томирлар бўйлаб юришига қўмаклашади ва бу билан юракнинг ишига ёрдам беради.

Юрак иши ва тузилишининг мураккаблиги яна шундаки, у бир ритмда уриб қисқариб турса-да, бироқ унинг бўлмача ва қоринчалари навбат билан қисқаради. Масалан, аввал қоринчалар қисқаради дейлик. Бу пайтда қоринчалар билан бўлмачалар ўртасидаги клапанлар ёпилади, аммо қоринчалар билан артериялар ўртасидаги клапанлар эса очилади, натижада қон қоринчалардан артерияларга оқиб кетади. Сунгра қисқариш навбати юрак бўлмачаларига келади. Бу пайтда қоринчалар билан артериялар ўртасидаги клапанлар ёпилади, аммо қоринчалар билан бўлмачалар ўртасидаги клапанлар эса

очилади ва қон бўлмачалардан қоринчаларга оқиб тушиди ва ҳоказо.

Биз юракнинг бундай мураккаб юмуши ҳақида фикр юритар эканмиз, табиий равишда юракни шу қадар мураккаб ва оғир юмушни нуқсонсиз бажаришга қандай куч даъват этади, деган савол туғилиши мумкин.

Ушбу саволга жавобан шуни айтиш керакки, агар юрак соғлом бўлса ва у тўла равишда қисқариб ишлаб турса, унинг миокард қатламидаги озиқ кимёвий моддалар энергияга айланади ва юракнинг қувватига мадад беради, иккинчидан, бунда юрак ҳаракатини бошқарувчи маҳсус ҳужайралардан иборат, алоҳида хусусиятга эга бўлган синус тугуни мухим роль ўйнайди. Бу тугун ўнг юрак олди бўлмачасининг миокард қатламида жойлашган бўлиб, юракнинг бир меъёрда ишлаши учун керакли импульсларни ёки буйруқларни юрак мускулларига юбориб туради. Юрак шунга қараб ҳар минутда маълум бир даражада қисқараверади. Шу нуқтаи назардан юрак деярли «мустақиллик» хусусиятига эга бўлади.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, мураккаб организмда ва унинг алоҳида аъзоларида рўй берадиган хатти-ҳаракатларнинг ҳаммаси, жумладан, юракнинг уриши-ишлаши ҳам марказий нерв системасининг таъсири остида кечади. Марказий нерв системаси билан юрак орасида рўй берувчи бундай муносабат вегетатив нерв системаси воситаси орқали амалга оширилади. Вегетатив нерв системаси юракнинг кучли ёки кучсиз, тез ёки секин ишлашига, қон томирларининг торайиши ёки кенгайишига бевосита таъсир кўрсатади.

Юрагимиз ички ва ташки мұхитдан келиб чиқувчи беҳисоб руҳий-асабий, ижобий ва салбий эмоцияларга ҳам марказий ва вегетатив нерв системалари орқали бўйсунади. Масалан, иссиқ ҳарорат юракни тез ҳаракатлантиrsa, совуқ ҳарорат, аксинча, юракнинг уришини секинлаштиради. Агар биз бирон оғир юмуш билан шуғуллансанак, юрагимиз тез ва кучлироқ уради, аксинча, дам олиб ётсанак, у секинроқ ва камроқ уради.

Маълумки, кишининг кундалик ҳаётида рўй берадиган шодлик, ҳуррамлик ёки қайфу-аламлар, ғам-ғуссалар юракнинг қобилиятига тубдан таъсир этади. Ана шу таъсир натижасида юрак ё жуда тез ёки жуда секин ура бошлайди.

Барчага маълумки, юрак билан асаб системаси уртасида энг яқин муносабат бор. Масалан, агар киши бирор хуш хабар ёки севинчли воқеанин эшитса, «юрагим шодланди», — дейди, башарти, у бирор қўнгилсиз ҳодиса ёки воқеанинг гувоҳи бўлса, эшитса, «юрагим сиқилиб кетди», — дейди.

Улуғ шоирлар ва ёзувчилар ҳам ўз қаҳрамонларининг бир-бирларига бўлган туйғулари, ишқ-муҳаббатларини ифодалаган пайтида «юрак сезгиси», «юрак тори», «юрак туйғуси» тўғрисида сўз юритади. Халқ баъзи кишиларни «қаттиқ, тош юрак» деб атаса, баъзиларни аксинча, «юмшоқ юрак» деб айтади.

Келтирилган бу мисоллар юрак инсон ҳаётида қанчалик керакли, кишилар хусусияти ва хулқ-автори, ахлоқини гавдалантирувчи бир «сирли» орган эканлигини далолат беради.

Шундай қилиб, юракни ички ва ташки муҳит таъсирини кўрсатувчи барометр, ёки инсоннинг асаб системаси фаолиятини акс эттирувчи ойна дейиш мумкин.

Юрак гарчи энг мулојим ва кишилар орасидаги муносабатларни изоҳловчи нозик музика асбоби тарзида тасвиirlанса-да, у аслида жуда бақувват, мустаҳкам ҳамда ўз вазифасини бажаришда тиришқоқ ва чидамли органдир. Ахир, соғлом юрак ўз «хўжайнинга» кечаю-кундуз ва ҳормай-толмай умрбод хизмат қилади-да. Ҳеч шубҳасизки, бундай юмушни мулојим ва нозик орган бажаролмайди. Бундай юмушни фақат кучли, бақувват ва чидамли органгина улдалай олади.

Юрак ўзининг мураккаб тузилиши ва иши билан бутун баданимиз ҳамда аъзоларимизнинг, шу жумладан, ўзининг ҳам кислород ва бошқа моддаларга бўлган талабини доимий равишда қондириб туради. Бу талаб киши хусусан жисмоний иш билан шуғулланган пайтда зўрайди, ошади. Агар юрак соғлом бўлса, у ўз вазифаларини бемалол бажараверади. Башарти, касалланган бўлса, порок бўлса, унинг юқорида айтиб ўтилган мураккаб ишлаши шикастланади, бузилади, бунинг натижасида бадан ва аъзоларининг кислород ҳамда бошқа керакли моддаларга бўлган талаби етарли миқдорда таъминланмайди. Бу ҳол, хусусан, бемор жисмоний юмуш билан шуғулланганда дарҳол сезилади.

Чунки, bemor ҳаракатда бўлса, жисмоний юмуш билан шуғулланса, унинг юрагининг кислородга бўлган

талаби ортади, аммо бу ортиқча талабни етарлича қондиролмайды. Оқибатда юрак мускулларида мураккаб кимёвий алмашувлар рүй бермайды, углевод ёки карбон сувлари энергияга айланмайды. Демак, юракнинг етарли даражада қисқариши ва уриши учун мадад манбай — энергия зарур миқдорда ҳосил бўлмайды. Бундай ҳолда bemорлар тезда чарчайдиган ва хансираидиган бўлиб қолади. Бора-бора юракнинг қисқариши ва уриши янада кучсизланниб, bemор ортиқча ҳаракат қилолмайдиган, бирор ишга уринолмайдиган ҳолга тушиб қолади. Пировард натижада эса киши аста-секин инвалидга айланади.

Демак, ревматизмни юракни порокка олиб келувчи, унинг иш қобилиятини пасайтирувчи ва кишини ўшлигиданоқ инвалид қилиб қўювчи касалликлар орасида энг биринчиси дейиш мумкин.

Хўш, ёш авлодни бундай оғир кулфатга олиб келуви ревматизм касаллигининг сабаби қаерда, у қандай рўй беради ва ундан қандай сақланиш йўллари бор?

Маълумки, ҳар бир касалликни вужудга келтирувчи ва шу касалликнинг ўзига хос микроби бўлади. Микроб ва у чиқарган заҳарли модда (токсин)нинг таъсирилиз биронта касаллик рўй бермайди. Шу каби ревматизм касаллигининг ҳам ўзига хос микроби бор. Бу микробни А — группали бетагемолитик стрептококк деб айтилади. Муфассал равишда текшириш ўтказган олимларнинг айтишларига қараганда, сил касаллигига Кох микроби хос бўлганидек, ревматизм касаллигига ҳам А — группали бетагемолитик стрептококк хосдир.

Стрептококк микроби аввало томоқ оғриғи (ангина) касаллигига, ўпканинг юқори йўллари касаллигининг рўй беришига сабаб бўлади. Сўнгра, орадан бир қанча вақт ўтгач оёқ бўгинлари, суклари ва гўштларида оғриқ вужудга келади, иситма кўтарилади, юракда ҳам бир оз оғриқ сезила бошлаб, унинг тез-тез уриши рўй беради. Шундай қилиб, ревматизм касаллиги бошланади.

Шу сатрларни ўқиган баъзи китобхонлар, томоғи оғриган, тумов бўлган ва ўпкасининг юқори йўллари тез-тез касалланиб турган кишилар албатта ревматизм касаллиги билан оғришлари шартми, деган савол беришлари мумкин.

Биз бу саволга: «йўқ», — деб жавоб берамиз.

Юқорида айтиб ўтилган стрептококк микроби сабабли рўй берган локал инфекция касалликлари натижасида ревматизм бошланиши шарт эмас. Олимларимизнинг сунгги пайтларда ўтказган текширишлари натижасида шу нарса аниқландиди, стрептококк микроби туфайли рўй берган томоқ оғриғи (ангина) билан хасталанган bemорларнинг атиги 3 процентигина ревматизм билан касалланиши мумкин, холос. Чунки:

биринчидан, стрептококк микроби билан хасталанган кишилар организмида унга қарши маҳсус моддалар (иммунитет) пайдо бўлиб, бу моддалар келажакда кишида ревматизм рўй беришига йўл қўймайди;

иккинчидан, ревматизм касаллигининг рўй бериши учун локал инфекция касалликларини чиқарувчи стрептококк жуда заҳарли, чидамли ва тобланган бўлиши кепрак. Бунинг учун стрептококк бир неча марта кишидан-кишига ўтиши лозим. Стрептококкнинг бир кишидан иккинчи кишига ўтиши учун қулай шароит бўлиши шарт. Кишилар тўпланадиган жамоат жойлари, хусусан болалар боғчалари, мактаблар ва интернатлар ана шундай қулай шароит ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ангина ва ревматизм касалликлари купинча мактаб ёшидаги болалар ва ўспиринларда учрайди;

учинчидан, ревматизм касаллигининг рўй бериши учун киши баданида, организмида стрептококк микробига нисбатан алоҳида юқори сезги мавжуд бўлиши зарур. Стрептококка нисбатан бундай юқори сезгини тудириш учун мазкур микробининг киши организмида доимий бир локал уяси бўлиши лозим. Бундай доимий локал стрептококк уялари томоқда: юқори нафас олиш йўлларида, милк ва тишка, қулоқ ва бурунларда ёки организмнинг бошқа аъзоларида бўлиши мумкин. Бу эски локал касаллик уяларидан доимо стрептококк ва унинг токсин — заҳарли чиқаришлари қонга қўйилиб, сероз оболочка ҳамда бириктирувчи тўқималарнинг асосий моддалари сезгирилигини аста-секин ошириб боради. Қолаверса, стрептококк микробининг чиқарган токсин ва ферментлари бириктирувчи тўқималарнинг оқсил молекулалари билан қўшилиб, уларнинг физик ва кимёвий сифатларини ўзгартираади, натижада улар айни тана учун бегона моддага айланиб кетади. Бу эса баданинг стрептококк микробига нисбатан сезгирилигини оширади. Бу аҳволни организм сезги ҳолатининг ошиши, кўтари-

лиши ёки аллегрия деб аталади. Башарти, худди шу пайтда киши тақрорий равища томоқ оғрифи, тумов ёки бошқа биронта касаллик билан оғриса, бамисоли қуруқ хашак ғарамига олов тушиб ёнғин бошлангандай, дар-ров ревматизм касаллиги бошланади, яъни ҳарорат күтарилади, тирсак ва оёқ бўғимлари қизарип шишиб, уларда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Бундай ҳолни ревматизм атакаси —«ҳужуми» дейилади.

Агар шундай беморлардан таққослаб суринтирилиб кўрилса, уларда бундан 5—10 кун муқаддам ангинада, тумов ёки ўпканинг юқори йўлларида касаллик бўлиб ўтгани аниқланади.

Ревматизмнинг бошқа «бод» касалликларидан фарқи шундаки:

биринчидан, унда асосан катта бўғимлар шикастла-
нади ва оғриқ бир бўғимдан иккинчисига кўчиб юради.
Оғриқ ғоят кучли бўлганидан беморларда уйқи қочади,
иштаҳа бўғилади;

иккинчидан, ревматизм натижасида рўй берган бў-
ғим оғриқлари 5—10 кундан сўнг, бордию ўз вақтида
керакли дори-дармонлар билан актив равища даволан-
са, 1—2 кундан кейин мутлақо бенуқсон тузалиб кетади.

Аммо «бод» касаллиги айтиб ўтилган бу икки хусусиятга эга эмас. «Бод» касаллиги оқибатида рўй бера-
диган оғриқлар бир бўғимдан иккинчи бўғимга ўтиб юр-
майди. Яна шуниси ҳам борки, оғриқлар кўп вақт давом
этиши, қўлланилган дори-дармонлар ҳамма вақт ҳам
ёрдам беравермаслиги мумкин. Оғриқ пайдо бўлган бў-
ғимлар борган сари ўзгариб ва қотиб, эгилмайдиган бў-
либ қолади.

Қолаверса, ревматизм деярли ҳамма вақт юракни
шикастлайди, уни порокка олиб келади. «Бод» эса юрак-
ка кўп таъсир етказмайди, уни порок қилмайди.

Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ревма-
тизм касаллиги баъзан ангинасиз ёки енгил равища
рўй берувчи томоқ оғрифидан сўнг, бўғимларда деярли
оғриқсиз ҳам вужудга келиши мумкин. Шунда ҳам рев-
матизм ўзининг маккорона «ишини» бажаради, яъни
юракка шикаст етказиб, уни порокка олиб боради. Бун-
дай ҳолда баъзан беморлар ўзларида юрак пороги бор-
лигини сезмайдилар, ҳатто гумон ҳам қилмайдилар.
Лекин бир зарурат билан медицина комиссиясидан ўт-
гани ёки соғлиқлари ҳақида справка олиш учун врача

мурожаат қилган пайтларида эса уларда юрак пороги борлиги тасодифан маълум бўлиб қолади. Шундай беморлардан: «Сиз қачон томоқ ёки суяк бўғимлари оғриғи билан касалланган эдингиз?»— деб сўралса, улар: «Ҳеч қачон»,— деган жавобни берадилар. Ҳақиқатда эса улар болалик даврларида бўлиб ўтган оғриқларни ёдларидан чиқариб қўйган бўлишлари ёки бу касалликлар учча сезилмайдиган даражада енгил ўтган бўлиши мумкин.

Ўтмиш асрлардан қолган: «Ревматизм бўғимларни ялади, аммо юракни тишлайди»,— деган гап бор. Бу бекиз эмас. Дарҳақиқат, ревматизм билан касалланган bemорларда бўғим оғриғи қашчалик оғир ёки енгил ра-вишда рўй бермасин, у барибир, бир неча кундан сўнг ном-нишонсиз йўқолиб кетади. Аммо юракда юз берган ўзгариш эса абадий қолади.

Демак, ревматизмга хос бўлган бўғим оғриқлари ва ўзгаришлари касалликнинг енгил аломатлари бўлиб, буларнинг bemорнинг келажакдаги тақдири учун деярли аҳамияти йўқdir. Бироқ юрак шикасти, унивг пороки эса ревматизмдан қолган «ҳайкал», абадий «эсадалик-дир».

Демак, ревматизм жуда ҳам маккор касаллик бўлиб, у киши юрагига писмиқлик билан кириб олади-да, уни порокка олиб боради, одамни инвалид қилади. Шу жи-ҳатидан ревматизмни инсоннинг гуллаб-яшнаётган ҳаёт боғига барвақт тушган куз фаслига ўхшатса бўлади.

Демак, ревматизм билан хасталанган bemорнинг ҳаёти ва истиқболи юракнинг қай даражада шикастланган-лигига боғлиқ бўлади.

Ревматизм касаллигининг энг мудҳиш ва энг драма-тиқ саҳифалари юракнинг шикастланишидан, юрак по-рокидан бошланади.

Биз эътиборнигизга ҳавола қилинган юрак тузилиши схемасида унинг уч қатлам, яъни эндокард (10), мио-кард (11) ва эпикард (12) қатламлардан иборат экан-лигини кўрсатиб ўтган эдик.

Бу ўринда шуни айтиш керакки, ревматизм аввало юракнинг гўшт-миокард қатламини шикастлайди. Ревма-тизмнинг биринчи атакаси — «ҳужуми» энг авжинга чиқ-қан вақтда юрак гўшт қатламининг асосан қон томирчалири деворчасидаги биритириувчи тўқиманинг коллаген толалари, асосий моддалари кенгайиб, шишиб кетади.

Махсус ўзгаришлар унинг ҳужайра элементларида ҳам рўй беради. Бу, ревматизмнинг биринчи бошланғич босқичи деб аталади.

Миокард ревматизми локал (очаговый) ва ёки ялпи кенг ёйилган (лиффузный) бўлиши мумкин. Миокард ревматизми локал равишда юз берганида бемор баъзан юрагида оғриқ пайдо бўлганини ва унинг тез-тез гупирлаб уриб кетганини қайд қиласди.

Агар миокард ревматизми кенг ёйилган ялпи равиша рўй берса, у вақтда bemorning аҳволи анча оғирлашади. Унинг иш қобилияти пасаяди, иссиқлик даражаси ошади, юрагида оғриқ ва потинчлик рўй беради. Юраги баъзан тез-тез уриб кетса, баъзан тўхтаб қолгандай тувлади. Беморда харсиллаш, ҳаво етишмаслик ҳоллари содир бўлади.

Ревматизмнинг бошланғич биринчи босқичи юракнинг ўзини қон билан таъминловчи томири деворчаларида ҳам пайдо бўлиб, уларнинг тешикчаларини қисқартириб ва миокардга келувчи қон томирини камайтириб, юрак гўштларининг қонсизланишига сабабчи бўлиши мумкин. Бундай ҳолда bemorларнинг юракларида қаттиқ сиқиш (огриқ) рўй бериб, улар бу оғриқнинг чап елкага ва қўлга ўтишини айтадилар.

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, агар ревматизм касаллигининг биринчи «хужуми» ва биринчи бошланғич босқичи ўз вақтида қайтарилса, яъни керакли дори-дармонлар bemorга етарли миқдорда берилса, у мутлақ тузалиб кетади ва юракда ревматизмнинг ҳеч қандай қолдиги қолмаслиги мумкин.

Аммо, афсуски, кўпинча касалликка эътиборсизлик билан қаралади, ўз вақтида врачга мурожаат қилиб, ундан керакли маслаҳат олинмайди, етарлича дори-дармон қабул қилинмайди. Баъзан эса киши қачон ва қай вақтда томоғи ёки оёқ-қўл бўғимлари оғриганлигини ўзи ҳам билмайди, касалликни ўtkазиб юборади, оқибатда касаллик иккинчи, учинчи ва тўртинчи босқичга ўтиб кетади. Бундай пайтда бириткирувчи тўқима ва унинг коллаген толаси, асосий моддаси ҳамда ҳужайра элементларида «гранулем», «склероз» деб аталмиш махсус қайтарилмас ўзгаришлар рўй бериб, миокард оғир шикастланади, унинг иш қобилияти пасаяди, бора-бора юрак қонни бадан аъзоларига нормал етказиб бернишга ожизлик қиласди.


Бордию ревматизм «ұхжуми» жуда шиддатли рүй берса, юракнинг миокард қатламидан ташқари эпикард ва эндокард қатламларida ҳам ревматизм гранулемлари пайдо бўлиб, касаллик оғир тус олади. Бундай аҳволни «панкардит» деб аталади. Панкардит, хусусан ёш болаларда оғир ўтиб, баъзан юракда мушкул, тузалмас қолдиқлар қолдиради, юрак атрофидаги халтачалар қотиб, қосқонга айланниб кетади. Бундай вақтда «қосқонли» юрак касали вужудга келиб, беморнинг аста-секин нобуд бўлишига сабаб бўлади.

Демак, ревматизм «ұхжуми» кўпинча юрак миокард қатламини шикастлантиради. Бироқ, юракка оғир таъсир қилувчи, унинг ишида жуда ҳам мушкуллаштирувчи эндокард қатламининг шикастланишидир.

Ревматизмнинг биринчи «ұхжуми»дан сўнг хасталанган эндокард қатламидаги ўзгаришлар, худди ёнгин ўчирилгандан кейин тутун қолганидек, аста-секин «тутаб» эндокарддаги ўзгаришларни янада чуқурлата боради, бунинг натижасида орадан унчалик кўп вақт ўтмай, юрак пороки пайдо бўлади.

Хўш, юрак пороки нима, у қандай пайдо бўлади?

Биз бу саволга жавоб беришдан илгари сиз, ҳурматли китобхонларни яна бир бор юрак тузилиши схемасига назар ташлашингизни илтимос қиласиз. Қаранг, схемадан кўриниб турибдики, юракнинг ички қатламига клапанлар (8) ҳам киради. Агарда эндокард ревматизми рүй берса, гранулемлар, кўпинча, чап юрак бўлмачаси (6) билан чап қоринча (7) ўртасидаги клапанларда кўзга ташланади. Оқибатда улар қисқаради ва кичраяди, шунингдек, юрак бўлмачаси билан қоринчаси ўртасидаги тешикчани тўла равишда ёполнайди, натижада қоринча қисқарган вақтда қон аортагагина эмас, балки қайтиб бўлмачага ҳам ўтади. Демак, бўлмачада қон миқдори ортади. Чунки тегишли қон бўлмачага ўпка веналаридан (5) келиб қуйилади. Бундан ташқари, клапанларнинг тўлиқ ёпилмаганлиги натижасида X — миқдордаги қон қоринчадан орқага қайтиб, яна бўлмачага тушади. Шундай қилиб, юрак олди бўлмачасида қон миқдори ошади, буда ҳол уни кенгайтиради. Қоринчага қуйиладиган галдаги қон миқдори ортади. Юрак иши анча оғирлашади. Бу, юрак порокининг биринчи босқичидир. Бироқ бундай порок беморнинг ўзига кўп йиллар мобайнида билинмаслиги мумкин. Чунки юрак пороки-



нинг биринчи босқичида ортиқча юмуш, асосан, чап қоринчага тұғри келади, бошқача айтганда, ортиқча вазифаны чап қоринча бажаради.

Схемадан яна шу нарса аниқ-равshan күриниб турибидики, чап қоринчанинг гүшт қатлами юракнинг бошқа бүлинмалариникидан анча қалин ва күчлидир. Шу сабабли чап қоринча анча вақтгача ортиқча вазифаны бемалол бажараверади ва шунинг учун ҳам бәзіи беморлар үзларида юрак пороки борлығини күп вақтгача сезмайди.

Аммо, бир марта ревматизм «хужум»ига учраган бемор унинг такрорий «хужум»ига яна дүч келади ва ҳар «хужум»дан кейин юракдаги үзгаришлар чуқурлашиб ҳамда мураккаблашиб, юракнинг иши оғирлаша боради. Юрак олди бұлмачаси билан қоринча үртасидаги тешикча эндокард буришганлиги туфайли қисқаради, бунинг натижасида тегишли қон бұлмачадан қоринчага оқиб үтолмайди, оқибатда асосий қон үпка томирларыда, қолаверса, жигарда ва баданнинг бошқа аъзоларida түпланиб қолади. Организмда қон айланиши ва оқиш тезлиги деярли секинлашади, аъзолар ва шу жумладан юракнинг үзи ҳам керакли миқдорда қон, қон орқали кислород ва бошқа зарур моддаларни ололмай, аҳволи янада оғирлашади, мураккаблашади. Беморнинг баданларида шиши пайдо бұлади. Аҳволи шу қадар оғирлашадики, унинг ҳаво олиши қийинлашиб ва нафаси бүғилиб, бошини ёстиққа қүйелмай, кечалари билан үтириб чиқади.

Ана курдингизми, ҳурматли китобхон, ревматизмнинг оқибати, томоқ оғири, тумов, «құрут еган» тиши ва стрептококк микроби чиқарған локал инфекцияларга әзтиборсизлик билан қарааш пировард натижада нималарга олиб келади. «Арзимаган» касалликларга баъзан бепарвоник билан қарааш кишининг соғлиғи учун қанчалик «қиммат»га тушади.

Сұхбатимиз бошида келтирған мисолимиздаги Нельматжоннинг келажаги ҳам, афсуски, порлоқ әмас. Унинг аҳволи ревматизмнинг навбатдаги «хужум»идан сұнг оғирлашиб, у охирида ётган үрнидан туролмайдиган бемор бұлиб қолиши хавфи бор.

Биз ҳозиргача ревматизмнинг юракка таъсири ва уни қай даражада шикастлаши ҳақида сүз юритдик. Энди ревматизмнинг юракдан ташқары яна қандай аъзолари-

мизга чане солиши, уларни қай даражада шикастлай олиши мумкинлиги хусусида тұхталиб ұтамиз.

Дастлаб шуны айтиш керакки, ревматизм қаттық ва шиддатлы «хужум»и вақтида бүгімлардан ва юракдан ташқари жигарни, үпка ва унинг ҳолатлари (плевра)ни буйракни, күзни, қалқон безни, хусусан мияни шикастлаши мумкин. Бундай пайтларда ревматизм билан шикастланған ва юқорида айтиб үтилған ҳар бир аъзоппинг үзига хос касаллик күринишлари рүй беради. Буни факт врачларгина аниқладаб, ҳал қила оладилар.

Масалаи, ревматизмнинг актив «хужум»и пайтида ёки ундаи қиийинроқ беморнинг жигары шинишиб, унинг үнг қовурғаси остида оғриқ пайдо бўлиши, шунингдек үпка шиши, яъни зотилжам касаллиги рүй бериши мумкин. Бундан ташқари кўпроқ үпка халтаси шиши (плеврит) касаллиги содир бўлиб, халталарда шиш суюқлиги тупланиши ва бемор аҳволини анча оғирлаштириши мумкин ва ҳоказо.

Аммо, агар ревматизмнинг шу айтиб үтилған күринишларига қарши ўз вақтида курашилса, зарур тадбирӣ чоралар курилса, улар тездан йўқ бўлиб кетади.

Биз тубанда мия ревматизми ҳақида бир оз муфасалроқ тұхталмоқчимиз. Чунки мия ревматизми ҳар хил тусда, баъзан жуда оғир ҳолда рүй беради.

Аввало шуны айтиш керакки, ревматизм «хужуми» вақтида миянинг қон томирлари ва пардалари шикастланиши ёки мия ревматизми «хорея» деб аталмиш форма тариқасида юз бериши мумкин.

Башарти, мия қон томирлари ревматизм билан шикастланса, улардаги бириктирувчи тұқыманинг коллаген толалари, асосий моддаси ва ҳужайра элементларида кенгайиш, шиш пайдо бўлади, яъни юқорида айтгани миздек, ревматизм касаллитининг бошланғич ёки биринчи даври рүй беради, натижада миянинг алоҳида бўлимларига қон келиши камаяди, бунинг натижасида миянинг алоҳида үринларида қонсизлик ва карахтланиш аломатлари содир бўлади. Баъзан мияга қон қўйилиши ҳам рүй бериши мумкин. Натижада беморнинг сўздан қолиши, қўл ва оёқларни палаж ёки шол бўлиб қолиши мумкин.

Бордию ревматизм мия пардаларини шикастлантираса, беморлар бош айланиб оғриши, кўз тиниши, бадан увишиши, жимирлаши, терлаши ва баъзан кўнгиллари

айниб, қайт қилишлари ва ҳоказолардан шикоят қила-
дилар. Булардан ташқари, беморларнинг асаб система-
лари ҳам шикастланиб, улар жуда нозик табиатли, ар-
зимаган нарсага жаҳллари чиқиб, кўнгиллари ранжий-
диган бўлиб қоладилар. Уларнинг иш қобилияtlари
камайиб, бир оз иситмалари кўтарилади.

Баъзан ревматизм қўл, оёқ, бел ва қовурғанинг асаб
томирларини ҳам шикастлаб, уларда маълум даражада
оғриқ қўзғashi эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун бе-
морларда ёки ёш бола ҳамда ўспириналарда миянинг ёки
асаб томирларининг шикастланганлиги аломатлари со-
дир бўлса, дарҳол врачга мурожаат қўйилшиш ва унга қар-
ши зарур тадбирий чоралар кўриш керак.

Мия ревматизмининг «хорея» формасида рўй бериши
энг оғир ва ачинарли ҳолдир. «Хорея» ҳам, асосан, мак-
таб ёшидаги ўспириналарда учрайди. Бу ерда шунга
эътибор бериш керакки, бола аввало ангини ёки бўғим
оғриқлари билан касалланади. Орадан бир неча вақт
ўтгач, у инжиқроқ, асабийроқ ва хаёли паришонроқ бў-
либ қолади. Бола бир ерда бемалол ўтиrolмайди, ҳам-
ма вақт қимиirlab, қўл ва оёклари қалтирай бошлайди,
қўлида қалам, дафтар, китоб, қошиқ ва бошқа нарса-
ларни ушлаб туролмайди, лаблари ва юзларини беих-
тиёр бура бошлайди. Қўл ва оёкларини ихтиёrsиз ра-
вишда у ёқ-бу ёққа отиб туради. Овоз ва сўzlari бузи-
лади. Охирида қўл-оёклар болага итоат этмай қўяди,
бола ўзича ҳаракат қилолмайди.

Шуни унумаслик керакки, ташки ва ички муҳитдан
келиб чиқувчи руҳий-асабий, ижобий ва салбий эмоция-
лар юқорида айтиб ўтилган лавҳаларни кучайтиради.
Шунинг учун «хорея» билан шикастланган болаларга
эътибор билан қараб, улар билан ширин муомалада бў-
лиш, кўнгилларини асло ранжитмаслик, кўрсатган «ҳу-
нарларидан» койимаслик керак.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчимизки, рев-
матизм «хореяси» баъзан деярли томоқ ёки қўл-оёқ бў-
ғимларининг оғригисиз, юракда ҳеч қандай ўзгаришсиз
ҳам бошланиши мумкин. Бу ҳолда беморларда юрак по-
роки, кўпинча, кейинроқ, яъни «хорея» лавҳаси тугал-
лангандан сўнг рўй беради.

Аммо «хорея» қанчалик оғир касаллик бўлмасин, ўз
вақтида зарур даволаш чоралари кўрилса, у 1—2 ойдан
сўнг батамом тузалиб кетади. Бунинг учун ота-оналар

«хорея» касаллиги аломати юз бериши билан оқ дархол врачга мурожаат қылсалар, боланинг актив равишда даволанишига эришсалар бас.

Биз юқорида муҳтарам китобхонларимизни ревматизм касаллиги ва унинг лавҳалари билан қисман танишитирдик. Энди бу касалликдан сақланиши учун нималар қилиш, қандай чоралар қўриши кераклиги тўғрисида тўхталиб ўттайлик.

Аввалда айтиб ўтганимиздек, ревматизмнинг бошқа юрак касалликларидан фарқи шундаки, у кўпроқ ёш авлодда, коммунистик жамият қурилишининг актив иштирокчиларида, порлоқ истиқбол эгаларида учрайди. Шунинг учун ревматизмга қарши кураш, порлоқ истиқбол эгалари бўлмиш ёш авлоднинг сиҳат-саломатлигини таъминлаш замонамизнинг социал вазифаси ҳисобланади.

Ревматизмга қарши курашнинг асосий шартларидан бири — ёш авлод организми ва аъзойи-баданларини мустаҳкамлаш ва чиниқтиришdir. Организмни мустаҳкамлаш ва чиниқтириш эса ўз ичига бир неча элементларни олади.

Аввало, организмнинг иссиқ ва совуққа чидамлилигини ошириш, турлича шароитга ўргатиш ва тоблаш кепрак. Бунинг учун табиий шароитда сув, ҳаво ва қуёш нуридан тўла ва тўғри фойдаланиш лозим.

Бадании совуқ сув ва ҳавога ўргатишнинг катта аҳамияти бор. Маълумки, совуққа чиниқмаган кишилар куз ва баҳорда, яъни атрофдаги ҳарорат түсатдан ўзгарган пайтларда кўпроқ шамоллайдилар.

Шамоллаш атроф-теваракдаги об-ҳаво ўзгаришларига қон томирлари ҳосил қилган реакциялар туфайли рўй беради. Бу реакциялар натижасида бурун ва юқори нафас олиш йўллари шиллиқ пардаларининг стрепто ва бошқа коккларга кўрсатадиган қаршилик қобилиятлари пасаяди. Оқибатда юқори нафас олиш йўлларида мавжуд кокклар активлашиб, уларнинг яллигланишига олиб келади. Агар организмдаги мавжуд локал инфекция ўчиқлари активлашса, ревматизм касаллигининг туғилиш хавфи пайдо бўлади, бордию юрак шикастланган бўлса, албатта унинг аҳволи янада тажанглашади.

Демак, шамоллашдан сақланишининг юрак ва қон томирлари учун катта аҳамияти бор. Агар киши ёшлигидан бошлаб ўзини аста-секин совуққа ўргатса, ҳар куни баданини ҳўл сочиқ билан артса, унинг бадани чидамли

бұлади, шу билап бирга шамоллашға қаршилик күрса-тиш қобилияты ортади. Айни вақтда юрак қон томирла-ри ҳам чиниқиб, тобланади, салгина касалліктер үлар-нинг нормал ҳолатига зарар етказа олмайды.

Организмни ва юрак қон томирларини чиниқтиришда бадан тарбияси, жисмоний тарбия катта роль үйнайды. Бунинг учун әрталаб үйқудан үйғонғач, тұшакда ётмай, дарров үриндан туриш, ҳар куни, системали равишка бадан тарбия машқлари билан шугулланиш ва ундан сұнг албатта яхшилаб ювиниш талаб этилади. Эрталаб-ки бундай машғулот кишининг иштағасини очади, кай-фиятини құтаради ва киши үзини күн бүйі тетик сезиб юради, унинг иш қобилияты ошади. Шу нұқтаи назардан қараганда, ишлаб чиқариш корхоналарыда ва муассасаларда иш куни орасыда үтказиладиган бадан тарбия машғулотларининг ҳам ақамияти жуда каттадир. Бундай чоралар иш унумдорлигини оширади.

Бадан тарбия ва жисмоний тарбия машғулотлари вақтида қилинадиган турлы ҳаракатлар организмнинг бир тариқа үсішига, қоматнинг соз ва мустақам були-шига, юрак ҳамда қон томирларининг чиниқишига олиб келади. Жисмоний тарбия ёшларга қанчалик зарур бўлса, қариялар учун ҳам шунчалик фойдалы ҳисобланади.

Мисол учун, бир идорада ишлаб, бир хил меңнат билан шуғулланувчи, ёшлари ҳам баравар иккى кишини олайлик. Улардан бири, айтайлик, системали равишка, ҳар куни жисмоний тарбия билан шуғулланади, иккинчиши эса мутлақо шуғулланмайди. Шундай қылганда биринчи киши ҳамма вақт үзини яхши ва соғлом сезади, кўп касал бўлмайди, ҳар қандай жисмоний ишни ҳам bemalol бажараверади, иккинчиши эса, аксинча, ҳамма вақт үзини нимжон ва нозик сезади, тез-тез касал бўлиб, шамоллайди, бирор жисмоний ишни bemalol бажара олмайди.

Ёки бўлмаса, бир мактабда, бир синфда ўқувчи ва иқтисодий томондан ҳам бир хил шароитда яшовчи иккى болани олайлик. Улардан бири мактаб бўйича үтказиладиган барча жисмоний тарбия машғулотларига актив қатнашади, иккинчиши эса қатнашмайди. Оқибатда биринчи бола ҳамма вақт соғлом, бақувват ва хушчақчақ юрса, иккинчиши жуда нозик, об-ҳавонинг салгина үзга-риши ҳам уни дарров шамоллатади, йўталтиради ва то-могини оғритади ва ҳоказо.

Демак, жисмоний тарбия, бадан тарбияси кишиларнинг соғлом ва бақувват бўлиб ўсишларини, меҳнат унумдорлигининг ошишини, ҳамиша яхши кайфиятда ва хушчақчақ яшашини, қолаверса, тани сиҳат, хотиржам яшashi ва узоқ умр кўришини таъминлайди.

Дам олишни тўғри ўюштириш ҳам организмни чинқитиради, юрак ва қон томирларини тоблайди.

Шуни назарда тутганида ўрта мактаб ўқув программалари ҳаддан ташқари ортиқ бўлиши керак эмас. Ўқувчиларнинг дам олишлари, спорг, бадан тарбия ва бошқа машғулотлар билан ҳам шуғулланишлари учун бўш вақт қолини керак. Акс ҳолда мактаб болалари орасида бадан ва асаб системаларининг чарчashi рўй бериб, юрак ва қон томирлари касаллиги вужудга келиши учун қулай шароит туғилади.

Дам олиш кунларини ўйда ортиқча ўйқи, китоб ўқиш ва оддий кундалик машғулотлар билан ўтказиш ярамайди. Дам олиш кунларида оддий иш шароити ўзгариши керак, яъни ақлий меҳнат билан шуғулланувчи кишилар мумкин қадар жисмоний иш билан, жисмоний иш билан шуғулланувчи кишилар эса, аксинча, мумкин қадар эстетика билан шуғулланишлари лозим. Кишилар дам олиш кунларини мумкин қадар музейларга саёҳат қилин, стадион ва спорт саройларида жисмоний машғулот билан, истироҳат боғларида, кўл ва канал бўйларида, иложи бўлса, шаҳардан ташқарига чиқиб кетиб, табиатнинг гўзалини кўрсанда ва кўркам ерларида ўтказишлари зарур.

Организмнинг ва юрак-қон томирлари системасининг чидамлилигини ошириш, уларни тоблашда каникул ва отпускандан оқилона тўғри фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шундай экан, каникулни соғломлаштириш лагерларида, дам олиш уйларида, санаторийларда, туристик базаларда, саёҳатда, қишлоқларда ва ўрмонларда ўтказиш керак.

Баъзи ишчилар ва хизматчилар меҳнат отпускаларидан оқилона фойдаланимайдилар. Отпусканни олгач, ҳеч ерга бормай, уни уйларида ўтказадилар. Кишининг ўз соглигига бундай эътиборсиз билан қарashi ўзи учун жиноятдир. Чунки дам олишга бу хилда беэътибор қаралганда охири организмнинг асаб системалари чарчайди, юрак ва қон томирлари заифлашади, уларни касалликка олиб келади.

Организмни ҳамда юрак-қон томирларини заифлаш-

тирувчи, уларни касалликка олиб келувчи сабабларнинг «оқ соқоллари»дан бири системали равишда ортиқча ич-килик ичиш ва тамаки чекишидир.

Шахсий гигиена чоралари ҳам баданни тоблайди, яъни ҳар куни 2—3 марта ювиниш, тишларни тозалаб, оғизни гарғара қилиб чайқаб ташлаш, ҳафтада камида бир марта ҳаммомга бориш, ҳеч шубҳасизки, организми чиниқтиради, унинг ҳар хил касаллкларга қарши чидамлилигини оширади.

Организмни чиниқтириш ва тоблану учун озиқ-овқат ҳам етарли ва сифатли бўлиши керак. Шуни унутмаслик керакки, болалар ва ўспиринларнинг баданлари 20—23 ёшгача ўсади, ўсиш эса кўпроқ овқат талаб қиласди. Бу талабни қондирисх учун истеъмол қилинадиган овқат фақат сон томонидан эмас, балки сифат томонидан ҳам етарли бўлиши зарур. Хусусан, болалар ва ўспиринлар истеъмол қиласдиган таомларда етарли миқдорда оқсил, ёғ, углевод ва витаминлар бўлиши шарт. Бундай моддалар киши организми ҳужайраларининг тикланиши ва янгиланишига ёрдам беради, уларнинг ҳар хил микробларга ва микробларнинг заҳарли моддаларига қарши чидамлилигини оширади.

Кундалик истеъмол қилинадиган ҳар хил овқатлари мизда қанча оқсил, ёғ, углевод моддалари ва баъзи витаминлар мавжудлигини яққолроқ намоён қилиш учун қўйидаги жадвални келтирамиз:

100 грамм озиқ-овқатдан ҳазм бўладиган моддалар миқдори

Озиқ-овқат-ларнинг номи	Оқсил	Ёғлар	Карбон-сувлари (углевод-лар)	Витаминлар					
				A	B ₁	B ₂	PP	C	
					миллиграмм				
Жавдар нон	4,69	0,74	39,40	—	0,15	0,13	0,45	—	
Буғдой нон	5,32	0,84	39,86	—	0,3	0,12	3,1	—	
Булка нон	6,55	2,33	47,9	—	—	—	—	—	
Кўк нұхот, мош, ловия	4,88	—	10,29	1,0	0,4	0,15	0,7	25	
Карам	1,44	—	4,51	0,3	0,6	0,05	0,4	30	

Д а в о м и

Озиқ-овқат- ларнинг номи	Оқсил	Ёғлар	Карбон сувлари (углевод- лар)	Витаминлар				
				A	B ₁	B ₂	PP	C
	грамм				миллиграмм			
Янги картошка	1,4	—	19,0	0,3	0,1	0,5	0,9	10
Янги сабзи	1,0	—	7,4	9,0	0,06	0,06	0,4	5
Оқ пиёз	2,0	—	8,0	0,03	0,03	0,03	0,2	10
Янги бодринг	0,8	—	2,04	—	0,04	0,03	0,2	5
Редиска	0,96	—	4,17	—	0,04	0,03	0,35	20
Помидор	0,8	—	3,23	2,0	0,07	0,05	0,6	40
Лавлаги	1,2	—	8,48	0,01	0,02	0,05	0,04	10
Ошқовоқ	0,8	—	6,55	0,2	0,06	0,04	0,4	8
Апельсин	0,77	—	8,19	0,3	0,07	0,03	0,2	40
Тарвуз	0,48	—	7,65	—	0,04	0,04	0,2	7
Узум	0,6	—	14,58	0,3	0,05	0,04	0,2	3
Олча	0,85	—	12,87	0,3	0,05	0,06	0,4	15
Нок	0,34	—	11,16	0,3	0,02	0,04	0,09	4
Қовун	0,56	—	9,61	0,3	0,04	0,04	0,6	20
Қулупнай	0,85	—	8,82	0,3	0,03	0,07	0,3	60
Лимон	0,51	—	9,27	0,4	0,04	0,02	0,15	40
Олхури	0,6	—	12,6	0,1	0,05	0,03	0,5	5,0
Қора сморо- дина	0,85	—	12,0	0,7	0,03	0,14	—	300
Наъмтатак	—	—	—	5,0	—	—	—	1500
Олма	0,43	—	10	0,1	0,04	0,02	0,2	7
Мол гүшти	19,86	9,45	—	0,02	0,14	0,15	4,2	1
Мол жигари	18,0	4,0	3,0	30,0	0,4	3,0	12	30
Тухум	12,0	11,0	0,94	1,3	0,1	0,25	0,1	—
Мол сути	3,0	3,3	4,4	0,1	0,4	0,19	0,08	1
Қаймоқ	2,9	19,0	3,4	0,03	0,01	—	—	—
Творог	14,4	17,1	0,98	0,04	0,3	—	—	—
Сариёғ	0,48	79,3	0,49	1,2	—	0,01	—	—
Ўсимлик ёғи	—	94,7	—	—	—	—	—	—
Товуқ гүшти	19,0	4,5	—	0,24	0,15	0,18	0,0	2
Қўй гүшти	19,0	5,85	—	—	0,17	0,25	6,0	2
Қанд	—	—	98,9	—	—	—	—	—

Башарти овқат миқдори ва сифати етарли ва қониқарли бўлмаса, организм ҳужайраларида керакли модда алмашинуви ҳам етарли бўлмайди, натижада улар кучсизланади. Оқибатда организм ҳам заифлашиб, унинг микробларга қарши курашиш қобилияти пасаяди, ҳар хил касалликлар тез ёпишадиган бўлиб қолади.

Организм, унинг аъзолари ва ҳужайралари учун энг зарур моддалардан бири оқсилдир. Оқсил организмни чиниқтиради, иш қобилиятини оширади, микроб ва касалликларга қарши курашиш учун зарур бўлган ферментларни ишлаб чиқаришга хизмат қиласиди. Шунинг учун кундалик истеъмол қилинадиган овқатимизда оқсил моддаси албатта етарли бўлиши шарт.

Оқсил моддалари ҳайвонлар ва баъзи ўсимликлар маҳсулотида кўпроқ учрайди. Аммо гўшт, сут, балиқ ва улардан қилинган маҳсулотлардаги оқсил моддалар ўсимликлардагига нисбатан сифатли ва фойдалороқдир. Шундай экан, кишилар, хусусан ёш ўспиринлар ҳар куни гўшт, сут ва тухум истеъмол қилиб туришлари зарур.

Организмни мустаҳкамлаш, уни заарали микроб ва касалликларга қарши чиниқтириш, тоблаш учун оқсил моддасидан ташқари ёф ҳам керак. Ёф киши баданининг энергияга бўлган эҳтиёжини қондиради. Бундан ташқари сариёф ва қаймоқ таркибида организм учун, хусусан ёш ўсуви организм учун жуда зарур бўлган «А» витамини мавжуд. Шуни назарда тутганда, сариёф ёки қаймоқ кундалик дастурхонимизда албатта бўлиши лозим.

Аммо шуни унутмаслик керакки, ҳайвонлар ёғи таркибида «холестерин» деб аталадиган модда кўп. Бордию қонда кўп вақтлар давомида холестерин миқдори деярли ошиб кетса, «arteroskleroz» деб аталувчи қон томирлари касаллиги рўй бериши мумкин. «Холестериниз артеросклероз касаллиги рўй бермайди» деган сўзни доимо ёдда тутиш, организмнинг ёққа бўлган талабини қондириш мақсадида кўпроқ ўсимликлар (пахта, кунжут, қовун уруғи, кунгабоқар) мойидан фойдаланиш ва овқат тайёрлашда ана шу мойлардан ишлатиш лозим.

Чунки ўсимликлар мойида холестерин моддаси йўқ.

Организмни мустаҳкамлаш, унинг микроб ва касалликларга қарши чидамлилигини ошириш учун керакли миқдорда углевод, яъни карбон сувлари ҳам зарурдир. Ширилик таомлар, мевалар, ундан тайёрланган овқатлар, нон, картошка ва ҳоказолар углевод манбалариидир.

Аммо углевод манбалари бўлмиш таомларни ортиқча истеъмол қилиш зарар келтириши мумкин. Чунки ширинлик моддалардан кишининг баданида (жигаридаги) ёғ ҳосил бўлади, бундай киши семира бошлайди. Семириш эса организмни тобдан чиқаради, унинг касалликларга қарши чидамлилигини пасайтиради, юрак учун ортиқча юмуш туғдиради, натижада кишининг иш қобилияти анча камаяди.

Демак, ревматизм касаллигига қарши курашиш ва унинг олдини олини чораларидан бири ва энг зарури — хусусан мактаб ёнидаги болаларнинг, студентлар ва ҳунар мактабида ўқувчи ўспиринларнинг овқатланиши сон ва сифат жиҳатдан етарли бўлишидир.

Ревматизм касаллигига қарши курашиш ва унинг олдини олишнинг муҳим чораларидан бири — турар жойнинг, ишхонанинг ва мактаб синфоналарининг доимо озода, йилнинг совуқ фаслларида иссиқ, ёруғ ва етарли даражада тоза ҳавога эга бўлишидир. Ифлослик, совуқ ва зах хоналарда яшаш ҳамда ишлаш эса ревматизм касаллитининг вужудга келишига қулай шаронит туғдиради.

Маълумки, бутун совет ҳалқи жонажон Ленин партиясининг XXIII съезди қарорларини зўр мамнуният билан қарши олди. Ҳозир у бу қарорларда белгиланган тадбирларни тезроқ реал ҳақиқатга айлантириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Мавжуд куч ва имкониятларини буюк мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа құдрагини янада ошириш ҳамда мустаҳкамлаш, фанни ва маданиятни тағин ҳам гуллатиб-яшишишга сафарбар этмоқда.

Мамлакатимиз экономикаси қанчалик кутарилса, унинг ҳарбий мудофаа қуввати қанчалик ошса, совет ҳалқининг моддий, маданий ва майний фаровонлиги шунчалик яхшиланади, ҳамиша тинч ва баҳтиёр яшashi таъминланади.

Тинч турмуш ва порлоқ ҳаёт эса — совет кишиларининг моддий фаровонлигини янада яхшилаш, уларни ҳозирги замон қулайликлари бўлган янги турар жойлар билан, шаҳар ва қишлоқларимизни ичимлик тоза сув билан таъминлаш, мавжуд водопровод ва канализация тармоқларини кенгайтириш демакдир.

Тинч турмуш ва порлоқ ҳаёт — бу, оғир жисмоний меҳнатни механизация асосида енгиллаштириш, хотин-

Баҳоси 6 т.

Индекс 75406

33